

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 3 июлдаги 21-сонли қарорига
илова

Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича
услубий низом

Ушбу услубий низом аҳоли бўйича бирламчи маълумотлардан фойдаланган ҳолда аҳоли сони ва унинг таркиби, туғилганлар, ўлганлар, тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралганлар сони, мамлакатга келганлар ва ундан кетганлар сони, шунингдек мамлакат ичида ва унинг ҳудудларида келганлар ва кетганлар сони тўғрисидаги асосий тушунчалар, кўрсаткичларни ҳисоблаш ва шакллантириш усуллари белгилаб беради.

Низом Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Статистика комиссияси ва МДХ Статистика қўмитасининг тавсиялари асосида ишлаб чиқилган.

Услубий низом давлат статистика органлари томонидан демографик жараёнларнинг жорий ҳисобини ташкил этиш ва демографик кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий Низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

демография статистикаси – ижтимоий-иқтисодий статистиканинг соҳаларидан бири бўлиб, аҳоли сони, таркиби, аҳоли ёки унинг гуруҳларининг жойлашуви ва такрор ҳосил бўлиши билан боғлиқ маълумотларни статистик усуллардан фойдаланган ҳолда йиғиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва таҳлил қилиш фаолияти билан шуғулланади;

аҳоли – маълум ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли мажмуи, ушбу аҳоли мажмуи аҳоли сони сифатида ҳисобга олинади;

доимий аҳоли – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади;

аҳолининг миллий таркиби – аҳолининг миллати бўйича тақсимланиши;

шаҳар аҳолиси – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли;

қишлоқ аҳолиси – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда - қишлоқ жойларда (овулар, қишлоқлар ва б.) истиқомат қилувчи аҳоли;

ёш – имкони борица максимал аниқлик билан ўлчанган, туғилган вақтдан жорий дақиқагача бўлган давр оралиғига тенгдир. Масалан, инсонни туғилган вақтини аниқ билган ҳолда айтиш мумкинки, қандайдир вақтда унинг ёши 31 йил 4 ой 13 кун 7 соат 30 минут 28 секундга тенг.

меҳнат ёшидаги аҳоли сони – 16 ёшдан 60 ёшгача эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллардан ташкил топади (16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар **меҳнат ёшидан кичиклар**, 60 ёшдан катта эркаклар ва 55 ёшдан катта аёллар **меҳнат ёшидан катталар** тоифаларига ажратилади);

аҳолининг табиий ҳаракати – аҳоли сонининг табиий ўзгаришини ифодаловчи туғилиш ва ўлим ҳолатларининг мажмуи бўлиб, унга никоҳлар ва никоҳдан ажралиш ҳолатлари ҳам киритилади;

туғилиш – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич;

аҳолининг қайта кўпайиши – туғилиш ва ўлим ҳолатлари натижасида аҳолининг янгиланиши (болалар туғилиши ҳисобига авлод алмашинуви);

репродуктив (фертиль) давр – аёлнинг туғиш лаёқатига эга бўлган (15 дан 49 ёшгача) даври;

гўдаклар ўлими – ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ҳодисаси;

неонаталь ўлим – туғилишдан сўнг 0-27 кун оралиғида содир бўлган ўлим ҳодисаси;

болалар ўлими – 0-4 ёшда бўлган болалар ўлими ҳодисаси;

оналар ўлими – ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги асоратлар ва абортлар оқибатида содир бўлган аёллар ўлими ҳодисаси. Оналар ўлимига, ўлим содир бўлган жойидан (туғруқхонада, ички касалликлар, жарроҳлик, онкология, юқумли касалликлар шифохонаси ёки бўлимларида ва бошқа жойларда), ўлимнинг ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқлигидан (бахтсиз ҳодисалардан ташқари) ҳамда ҳомиладорлик давридан қатъий назар, тукқандан сўнг 42 кун давомида ёки ҳомиладорлик даврида вафот этган барча тукқанлар, ҳомиладор аёллар тўғрисидаги маълумотлар киритилади;

ўлим сабаблари – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек ўлим билан якун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари;

туғилишда кутилаётган умр давомийлиги – ёшлар бўйича ўлим даражаси кўрсаткичи, ушбу кўрсаткич ҳисобланган йил даражасида сақланиб қолган шартларда туғилган инсонларнинг кутилаётган ўртача умр кўриш йиллари сони;

маълум ёшга тўлганлар учун кутилаётган умр давомийлиги – ҳар бир кейинги ёшга тўлган даврда, ёшлар бўйича ўлим даражаси кўрсаткичи, ушбу кўрсаткич

ҳисобланган йил даражасида сақланиб қолган шартларда маълум ёшга тўлганларнинг кутилаётган ўртача умр кўриш йиллари сони;

никоҳ – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади;

никоҳ ёши – Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексига мувофиқ белгиланади;

никоҳ ҳолати – шахснинг никоҳга нисбатан ҳуқуқий меъёрлар ва мамлакат урф-одатларига мувофиқ белгиланадиган ҳолати (никоҳда бўлмаган, никоҳда бўлган, бева (тул), ажрашган);

никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) – эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи, никоҳларининг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ ФХДЁ ёки суд органларида ажралишни рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади;

аҳолининг умумий ўсиши – аҳолининг табиий ўсиши ва миграцион ўсишининг йиғиндис;

аҳолининг табиий ўсиши – маълум бир даврда жами туғилганларнинг жами ўлганларга нисбатан абсолют миқдорлари фарқи (ушбу фарқ мусбат ёки манфий миқдор бўлиши мумкин);

аҳоли миграцияси – аҳолининг (мигрантларнинг) маълум ҳудуд (мамлакат, вилоят, туман ва б.) чегараси орқали яшаш манзилини ўзгартириш мақсадида кўчиб юриши;

яшаш жойи – фуқаронинг муайян яшаш жойи бўйича (турар жой, квартира, “Саховат”, “Мурувват”, “Меҳрибонлик” уйлари, оила типидаги болалар уйлари, болалар учун мактаб-интернатлар, гўдаклар уйлари, SOS болалар қишлоғи, ётоқхоналар) доимий ёки асосан яшайдиган жой;

мигрант – миграция жараёнларида бевосита иштирок этувчи шахс бўлиб, ҳар бир мигрант ўзининг кетган ҳудуди учун кўчиб кетувчи ва келган ҳудуди учун кўчиб келувчи шахс ҳисобланади;

ташқи миграция – жисмоний шахсларнинг бошқа давлатлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёки Ўзбекистон Республикасидан бошқа хорижий давлатларга кўчиб юриши;

ички миграция – кишиларнинг (вақтинча ёки доимий) мамлакатнинг бир ҳудудидан бошқа ҳудудга яшаш жойини ўзгартириш мақсадида кўчиб юриши;

кўчиб келганлар сони – ҳисобот даврида маълум ҳудудга бошқа ҳудудлардан кўчиб келганлар сони;

кўчиб кетганлар сони – ҳисобот даврида маълум ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб кетганлар сони;

аҳолининг миграцион ўсиши (сальдо) – маълум бир даврда муайян ҳудудга келган аҳоли сони ва ушбу ҳудуддан кетган аҳоли сони ўртасидаги абсолют миқдордаги фарқ бўлиб, мусбат (агар келганлар сони кетганлар сонидан кўп бўлса) ёки манфий (агар келганлар сони кетганлар сонидан кам бўлса) миқдор бўлиши мумкин;

аҳоли сонини баҳолаш – ҳисобот йили бошидаги аҳоли сонига ҳисобот давридаги туғилганлар ва кўчиб келганлар сонини қўшиб, ўлганлар ва кўчиб кетганлар сонини айтириб ташлаш натижасида ҳосил қилинадиган, мамлакат ҳудуди ёки унинг бир қисми аҳолиси сонини дастлабки аниқлаш;

аҳолини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

демографик жараёнларнинг жорий ҳисоби – ҳар ойда ички ишлар, адлия органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан статистика органларига келиб тушадиган аҳоли тўғрисидаги бирламчи маълумотлар асосида, туғилганлар, ўлганлар, кўчиб келганлар, кўчиб кетганлар, рўйхатга олинган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш.

II. Демографик жараёнларнинг жорий ҳисобини ташкил этишда меъёрий ҳуқуқий асослар

2. Демографик жараёнларнинг жорий ҳисобини ташкил этишда қонуний ва меъёрий ҳуқуқий асос бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги 276-1-сонли Қонуни;

б) Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-607-I-сон Қонуни билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ-558-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли Қарори, 1-илова “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари;

г) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 234-мх-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябр);

д) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 4 мартда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг электрон ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома”;

е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралдаги 91,92-сонли Қарорларини эълон қилиш ва “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи, 1-илова “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома”;

к) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан 2019 йил 24 апрелда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг электрон ахборот алмашинуви бўйича техник йўриқнома”;

л) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 56-сонли буйруғи, 2-илова “Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома”, 3-илова “Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома” (рўйхат рақами 2089, 2010 йил 23 март).

III. Демографик жараёнларнинг жорий ҳисобини ташқил этиш учун маълумот манбалари

3. Аҳоли сони ва таркибини тавсифловчи маълумотларни шакллантириш мақсадида, статистика органлари томонидан бошқа давлат органларидан (ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш) олинган аҳоли тўғрисидаги бирламчи маълумотлар қайта ишланади.

4. Аҳоли тўғрисидаги бирламчи маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сонли буйруғига 1а-илова);

б) никоҳ тузилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сонли буйруғига 2а-илова);

в) никоҳдан ажралганлик ҳақида далолатнома ёзуви (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сонли буйруғига 3а-илова);

г) ўлим ҳақида далолатнома ёзуви (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сонли буйруғига 4а-илова, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил 27 февралдаги 56-сонли буйруғига 2,3-иловалар);

д) кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш варақаси (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1999 йил 29 мартдаги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага 6-илова);

е) кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаси (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1999 йил 29 мартдаги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага 7-илова).

5. Демографик маълумотларни қайта ишлаш ва демографик кўрсаткичларни шакллантиришда қуйидаги статистик таснифлагичлардан фойдаланилади:

а) “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий объектларни белгилаш таснифлагичи” (МХОБТ);

б) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 10-қайта кўрилган Халқаро Касалликлар Таснифлагичи (ХКТ-10);

в) Статистический классификатор "Страны мира" по международному стандарту ISO 3166.

IV. Асосий демографик кўрсаткичлар ҳисоби

6. **Ҳисобот йили бошига жами аҳоли сонини ҳисоблаш.** Аҳолининг умумий сони доимий аҳоли сони бўйича ҳисобланади. Ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Доимий аҳоли сонини баҳолаш охириги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида ҳисобланиб, унга ҳар йили туғилганлар ва муайян ҳудудга кўчиб келганлар сони қўшилиб, ўлганлар ва муайян ҳудуддан кўчиб кетганлар сони айрилади (1-илова 2-сатр). Яъни,

$$A = P + T - U + M_1 - M_2,$$

бу ерда A – доимий аҳоли сони;

P – аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари;

T – туғилганлар сони;

U – ўлганлар сони;

M_1 – кўчиб келганлар сони;

M_2 – кўчиб кетганлар сони.

Аҳоли сонини баҳолашда туғилганлар, ўлганлар, кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони қуйидагича аниқланади:

а) туғилган чақалоқнинг онаси ёки отасининг доимий яшаш жойига қараб МХОБТ хос рақамларга бириктирилади. Ушбу хос рақамларга қараб туғилган чақалоқлар ўша ҳудуднинг аҳолиси сонига қўшилади. Яъни,

$$T = T_u + T_b,$$

бу ерда T – туғилганлар сони;

T_u – туғилган чақалоқнинг отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи ҳамда туғилган жойи битта маъмурий ҳудудий бирликда бўлганлар;

T_b – туғилган чақалоқнинг отаси ёки онасининг доимий яшаш жойи ҳамда туғилган жойи турли маъмурий ҳудудий бирликда бўлганлар.

б) ўлган шахснинг доимий рўйхатда турган жойига қараб МҲОБТ хос рақамларга бириктирилади. Ушбу хос рақамларга қараб ўлганлар ўша ҳудуднинг аҳолиси сонидан айрилади. Яъни,

$$U = U_u + U_b,$$

бу ерда U – ўлганлар сони;

U_u – ўлган шахснинг доимий яшаш жойи ҳамда ўлган жойи битта маъмурий ҳудудий бирликда бўлганлар;

U_b – ўлган шахснинг доимий яшаш жойи ҳамда ўлган жойи турли маъмурий ҳудудий бирликда бўлганлар.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари (туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳамда ўлим ҳақида далолатнома ёзувлари) маълумотлари аҳолининг табиий ҳаракати маълумотларини шакллантиришда фойдаланилади. Бунда туғилган бола ота-онасининг, ўлганлар, никоҳ тузганлар ва никоҳдан ажралганлар уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойлари бўйича ҳисобга олинади.

Хорижий давлатда ўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига “Ўлим тўғрисидаги гувоҳнома” ўлим содир бўлган хорижий давлатнинг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан расмийлаштирилган тақдирда, ушбу ўлган фуқаролар бўйича статистик ҳисоб алоҳида тартиб асосида амалга оширилади.

в) кўчиб келганлар доимий яшаш жойига қараб МҲОБТ ва ISO 3166 халқаро стандартига асосан “Жаҳон мамлакатлари” статистик таснифлагичи бўйича хос рақамларига бириктирилади. Ушбу хос рақамларга қараб кўчиб келганлар уч қисмга ажратилади: вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ичидан, вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)аро ҳамда хориждан кўчиб келганлар. Уларнинг барчаси қўшилиб жами кўчиб келганларни ташкил этади ҳамда келган ҳудуднинг аҳолиси сонига қўшилади. Яъни,

$$M_I = M^I_t + M^I_v + M^I_h,$$

бу ерда M_I – жами кўчиб келганлар сони;

M_t^1 – вилоят ички маъмурий ҳудудларига бошқасидан кўчиб келганлар сони;

M_v^1 – вилоятлараро кўчиб келганлар сони;

M_h^1 – хориждан кўчиб келганлар сони.

г) жами кўчиб кетганлар уч қисмга: вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ичига, вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)аро ҳамда хорижга кўчиб кетганларга ажратилади. Уларнинг барчаси қўшилиб жами кўчиб кетганларни ташкил этади ҳамда кетган ҳудуднинг аҳолиси сонидан айрилади. Яъни,

$$M_2 = M_t^2 + M_v^2 + M_h^2,$$

бу ерда M_2 – жами кўчиб кетганлар сони;

M_t^2 – вилоят ички маъмурий ҳудудларидан бошқасига кўчиб кетганлар сони;

M_v^2 – вилоятлараро кўчиб кетганлар сони;

M_h^2 – хорижга кўчиб кетганлар сони.

Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ичига ҳамда вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)аро кўчиб кетганлар вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) ичига ҳамда вилоятлар (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)аро кўчиб келганларнинг кетган жойига нисбатан кўчиб кетганлар деб ҳисобга олинади. Яъни,

$$M_t^2 = M_t^1 \text{ ва } M_v^2 = M_v^1.$$

Аҳоли умумий сонини ҳисоблаш жами республика ва унинг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича амалга оширилади. Аҳоли сонини шаҳар ва қишлоқ жойлари бўйича ҳисоблашда маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар натижалари – қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар аҳоли пунктларига ўзгариши (қисман ёки тўлиқ), шаҳар жойлари таркибига киритилиши, шунингдек шаҳар жойларининг қишлоқ аҳоли пунктларига ўзгартирилиши ва бошқалар ҳисобга олинади.

Доимий аҳолининг йиллик ўртача сони ҳисобот йили бошига ва охирига доимий аҳоли сонининг ўртача арифметик сонини ҳисоблаш орқали ҳосил қилинади (1-илова, 3-сатр).

Аҳоли сони тўғрисидаги маълумотларни таҳлил этиш учун қатор кўрсаткичлар мавжуд.

Аҳолининг абсолют ўсиши (камаيши) – маълум даврда аҳоли сонининг миқдорий ўсишини (ёки камаишини) ифодалаб, кўриб чиқиладиган давр бошига ва охирига аҳоли сонининг айирмаси орқали ҳисобланади.

Ўсиш суръати – маълум бир даврдаги аҳоли сонининг неча мартага (фоизга) ошгани ёки камайганини кўрсатади.

Мисол учун:

2019 йил 1 январ ҳолатига аҳоли сони – 33255,5 минг киши;

2020 йил 1 январ ҳолатига аҳоли сони – 33905,2 минг киши;

Ўсиш суръати – 102,0% ($33905,2/33255,5 \cdot 100\%$).

Аҳоли зичлиги муайян ҳудуддаги доимий аҳолининг умумий сонини шу ҳудуд майдонига нисбати орқали аниқланади.

Мисол учун:

2020 йил 1 январ ҳолатига доимий аҳоли сони – 33905,2 минг киши;

2020 йил 1 январ ҳолатига ҳудуд майдони – 448,97 минг кв.км;

2020 йил 1 январ ҳолатига аҳоли зичлиги – 75,5 киши/кв.км. ($33905,2/448,97$).

7. Аҳолининг ўртача ёши ҳар бир ёшдаги аҳоли сонини шу ёшга кўпайтириб, жами аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади:

$$X_{\text{ўрт.ёш}} = \sum(X \cdot Ax) / \sum A,$$

бу ерда $X_{\text{ўрт.ёш}}$ - аҳолининг ўртача ёши;

X – ёш;

Ax – X ёшдаги аҳоли сони;

$\sum A$ – жами аҳоли сони.

8. Демографик юк коэффиценти – 1000 та меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига қанча меҳнат ёшидан кичиклар (0-15 ёшлилар), меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (55 ёш ва ундан катта аёллар, 60 ёш ва ундан катта эркеклар) ҳамда меҳнат ёшидан кичиклар (0-15 ёшлилар) ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар (55 ёш ва ундан катта аёллар, 60 ёш ва ундан катта эркеклар) тўғри келишини англатади ва қуйидагича аниқланади (ҳисобланади):

меҳнат ёшидан кичиклар юк коэффиценти = $A_{(0-15\text{ёш})} / A_{(16-54\text{ ёшли аёллар, } 16-59\text{ ёшли эркеклар})} \cdot 1000$;

меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар юк коэффиценти = $A_{(55\text{ ёш ва ундан катта аёллар, } 60\text{ ёш ва ундан катта эркеклар})} / A_{(16-54\text{ ёшли аёллар, } 16-59\text{ ёшли эркеклар})} \cdot 1000$;

умумий юк коэффиценти = $A_{(0-15\text{ёш})} + A_{(55\text{ ёш ва ундан катта аёллар, } 60\text{ ёш ва ундан катта эркеклар})} / A_{(16-54\text{ ёшли аёллар, } 16-59\text{ ёшли эркеклар})} \cdot 1000$.

9. Аҳолининг табиий ҳаракати. Аҳолининг табиий ҳаракати аҳоли сонининг ўзгаришига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган демографик ҳодисаларни ўз ичига олади. Уларга туғилиш, ўлим, ўлик туғилиш, никоҳ ва никоҳдан ажралишлар киради.

Аҳоли табиий ҳаракатини тавсифлаш учун туғилиш, ўлим, никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар коэффицентлари қўлланилиб, бунда 1000 (промилле), 10000 (децимилле) ва 100000 (процентемилле) аҳолига нисбатан ҳисобланади. Қуйида ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари келтирилган.

1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффиценти – ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (1-илова, 5-сатр);

Туғилишнинг ёш коэффиценти – 1000 та X дан $X+N$ ёшгача бўлган аёлларнинг ҳаёти давомида улардан туғилган болаларнинг ўртача сони (3-илова);

Туғилишнинг йиғинди коэффиценти ҳар бир ёш оралиғининг узунлигини ҳисобга олган ҳолда ёш коэффицентларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Мос ёш гуруҳларидаги аёллардан туғилган болалар сони Мос ёш гуруҳларидаги аёлларнинг йиллик ўртача сонига бўлиниб мингга кўпайтирилиб Мос ёш гуруҳларидаги йиғинди кўшилади ёш гуруҳлари сонига бўлинади ва мингга кўпайтириш йўли билан аниқланади;

1000 та аҳолига нисбатан ўлим коэффиценти – ҳисобот йилида жами ўлганлар сонини ҳисобот йилидаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (1-илова, 7-сатр);

Ўлимнинг ёш коэффиценти ҳисобот йилида муайян ёшда ўлганлар сонини шу ёшдагиларнинг ўртача йиллик сонига бўлиш орқали ҳисобланади (4-илова);

100 000 та туғилганларга нисбатан оналар ўлими коэффиценти вафот этган оналар сонини туғилганлар (тирик) сонига бўлиб, 100 000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (1-илова, 18-сатр);

1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффиценти қуйидаги формула орқали ҳисобланади (1-илова, 20-сатр):

$$Коэфф. = (Y_{ж}^t / T_{ж} + Y_{ж}^{t-1} / T_{ж-1}) * 1000,$$

бу ерда $Y_{ж}^t$ - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{ж}$ – жорий йилда туғилганлар сони;

$Y_{ж}^{t-1}$ – ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{ж-1}$ – ўтган йилда туғилганлар сони.

Мисол учун:

2019 йилда туғилиб, 2019 йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони – 6365 киши;

2019 йилда туғилганлар сони – 814960 киши;

2018 йилда туғилиб, 2019 йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони – 1107 киши;

2018 йилда туғилганлар сони – 768520 киши;

2019 йилда 1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффиценти – 9,3 промилле $(6365/814960+1107/768520)*1000$;

100 000 аҳолига нисбатан ўлимнинг алоҳида сабаблари коэффиценти - ҳисобот йилида алоҳида сабабларга кўра ўлганлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 100 000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (1-илова, 26-сатр);

Болалар ўлими (0-4 ёшдаги болалар) коэффиценти - 0 ёшдан 5 ёшгача ўлган болаларнинг ҳар бир ёши бўйича коэффицентлари йиғиндисидан иборат. Ҳар бир ёш коэффиценти гўдаклар ўлими коэффицентига ўхшаб ҳисобланади.

1 ёшгача болалар ўлими коэффиценти қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$K_1 = (Y^t_{жс} / T_{жс} + Y^{t-1}_{жс} / T_{жс-1}) * 1000,$$

бу ерда K_1 – 1 ёшгача болалар ўлими коэффиценти;

$Y^t_{жс}$ - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{жс}$ – жорий йилда туғилганлар сони;

$Y^{t-1}_{жс}$ – ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$T_{жс-1}$ – ўтган йилда туғилганлар сони.

Ушбу тартибда 1,2,3,4 ёшлар бўйича ҳам коэффицентлар ҳисобланиб, ҳосил қилинган 5 та коэффицент йиғиндиси ҳисобга олинади (2-илова).

10. Аҳолининг табиий ўсиши. Авлодлар алмашуви жараёни сифатида аҳоли табиий ҳаракатининг миқдорий хусусиятлари бўлиб, табиий ўсиш ва табиий ўсиш коэффиценти ҳисобланади.

Аҳолининг табиий ўсиши кўрсаткичи туғилганлар билан ўлганлар сони ўртасидаги фарқни ифодалайди (1-илова, 8-сатр);

Табиий ўсиш коэффиценти аҳоли табиий ўсишини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш ёки туғилиш ва ўлим коэффицентларининг айирмаси сифатида аниқланади (1-илова, 9-сатр).

11. Никоҳ ва никоҳдан ажралиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар. Аҳоли табиий ҳаракатининг жорий ҳисоби фақат юридик расмийлаштирилган никоҳларни ҳисобга олади.

Никоҳ ва никоҳдан ажралиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) абсолют кўрсаткичлар;

б) никоҳ ва никоҳдан ажралиш коэффицентлари.

Абсолют кўрсаткичлар – аниқ давр учун жами аҳоли ёки унинг маълум гуруҳларида никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сонини ёритиб берувчи кўрсаткичлар.

1000 аҳолига нисбатан никоҳлар коэффиценти - ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (ўлчов бирлиги - промилле) (1-илова, 22-сатр);

1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффиценти ҳисобот йилида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (ўлчов бирлиги - промилле) (1-илова, 24-сатр).

12. Миграция жараёнларини тавсифловчи кўрсаткичлар. Миграция жараёнларини тавсифлаш учун қатор абсолют ва нисбий кўрсаткичлардан

фойдаланилади. Абсолют кўрсаткичларга: кўчиб келганлар сони, кўчиб кетганлар сони, аҳолининг миграцион ўсиши киради.

Кўчиб келганлар сони – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади;

Кўчиб кетганлар сони – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади;

Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи) - ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сонлари ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори (1-илова, 14-сатр);

1000 аҳолига нисбатан кўчиб келиш ёки кўчиб кетиш коэффициентлари - ҳисобот йилида кўчиб келганлар ёки кўчиб кетганлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади (ўлчов бирлиги - промилле) (1-илова, 11-,13-сатр);

Миграцион ўсиш коэффициенти - аҳолининг миграцион ўсишини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш ёки кўчиб келганлар коэффициентидан кўчиб кетганлар коэффициентларини айирмаси сифатида аниқланади (ўлчов бирлиги - промилле) (1-илова, 15-сатр);

Аҳолининг умумий ўсиши аҳолининг табиий ва миграцион ўсиши йиғиндисини ҳисоблаш орқали аниқланади (1-илова, 16-сатр).

V. Якуний қоидалар

13. Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунлари бўйича ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида қайта ишланади.

Доимий аҳоли сони, аҳолининг табиий ва механик ҳаракати кўрсаткичлари ва бошқа асосий демографик кўрсаткичлар ҳар чорак якунлари бўйича шакллантирилади.

14. Демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ҳудудий статистика бошқармалари томонидан туман (шаҳар)лар кесимида барча аҳоли пунктлари бўйича, Давлат статистика қўмитаси томонидан – Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар кесимида амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 28 февралдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими идоравий статистик таснифлагичи.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 1999 йил 29 мартдаги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган, 1999й. рўйхат рақами №698. “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини жорий қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома”.
4. Abdurahmonov Q.X., Abduramanov X.X. – DEMOGRAFIYA. Noshir, Toshkent-2011.
5. Ата-Мирзаев О.Б. Народнонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009.
6. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдураманов Х.Х., Абдурахмонова Г.Қ., Шакаров З.Г. Демография. Дарслик. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. – 364 б.
7. “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тошкент. 2020 йил 16 март №ЎРҚ-611.
8. Денисенко М.Б., Калмыкова Н.М. Демография. – М.: ИНФРА-М, 2007.
9. Медков В.М. Демография: Учебное пособие. – Ростов-на-Дону.: Феникс, 2002.
10. Справочник по подготовке специалистов по системам регистрации актов гражданского состояния и статистики естественного движения населения. – Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 2004.
11. Рекомендация по статистике международной миграции. Первое пересмотренное издание – Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 1998.
12. Глоссарий терминов в области миграции. Международное миграционное право – Международная организация по миграции (МОМ). Женева, 2005.
13. Руководство по сбору данных о рождаемости и смертности. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 2005.
14. Рекомендации Конференции Европейских статистиков по проведению переписей населения и жилищного фонда 2010 года. ЕВРОСТАТ. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк и Женева, 2006.
15. Перепись населения и жилищного фонда. Практика стран ЕЭК ООН в раунде переписей 2000 года. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк и Женева, 2008.
16. <https://unstats.un.org/unsd/methodology/m49/>

Асосий демографик кўрсаткичларни
шакллантириш бўйича услубий низомга
1-илова

**Демография статистикасининг асосий кўрсаткичларини
ҳисоблаш**

КИШИ

Сатр	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларнинг ҳисобланиши	2019 йил
1	Ҳисобот даври бошига доимий аҳоли сони		33 255 538
2	Ҳисобот даври охирига доимий аҳоли сони	1-сатр + 4-сатр – 6-сатр + 10-сатр – 12-сатр	33 905 242
3	Ҳисобот даврида доимий аҳолининг ўртача сони	$(1\text{-сатр} + 2\text{-сатр}) / 2$	33 580 390
4	Ҳисобот даврида жами туғилганлар		814 960
5	1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти, промилле	$(4\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$	24,3
6	Ҳисобот даврида жами ўлганлар		154 570
7	1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти, промилле	$(6\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$	4,6
8	Аҳолининг табиий ўсиши	4-сатр – 6-сатр	660 390
9	1000 аҳолига нисбатан табиий ўсиш коэффициенти, промилле	$(8\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$ 5-сатр – 7-сатр	19,7
10	Ҳисобот даврида кўчиб келганлар сони		158 861
11	1000 аҳолига нисбатан кўчиб келиш коэффициенти, промилле	$(10\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$	4,7
12	Ҳисобот даврида кўчиб кетганлар сони		169 547
13	1000 аҳолига нисбатан кўчиб кетиш коэффициенти, промилле	$(12\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$	5,0
14	Аҳолининг миграцион ўсиши (камаиши)	10-сатр – 12-сатр	-10 686
15	1000 аҳолига нисбатан миграцион ўсиш (камаиш) коэффициенти, промилле	$(14\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$, 11-сатр – 13-сатр	-0,3
16	Аҳолининг умумий ўсиши (камаиши)	8-сатр – 14-сатр	649704

Сатр	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларнинг ҳисобланиши	2019 йил
17	Ҳисобот даврида оналар ўлими		160
18	100 000 туғилганларга нисбатан оналар ўлими коэффиценти, промилле	$(17\text{-сатр}/4\text{-сатр}) * 100\ 000$	19,6
19	Ҳисобот даврида тузилган никоҳлар сони		310 899
20	1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти, промилле	$(19\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$	9,3
21	Ҳисобот даврида никоҳдан ажралишлар сони		31 389
22	1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффиценти, промилле	$(21\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000$ $* 365 / 365$	0,9
23	Ҳисобот даврида барча сабабларга кўра ўлганлар сони		154 570
24	100 000 аҳолига нисбатан ўлимнинг барча сабаблари бўйича коэффиценти, промилле	$(23\text{-сатр}/3\text{-сатр}) * 100\ 000$	460,3

*Изоҳ: 2-иловада ҳисобланиши кўрсатилган коэффицентларни чораклик давр учун ҳисоблашда бир йилда жами кунлар сонини чоракдаги кунлар сонига бўлинади. Мисол учун: 2019 йил январь-март учун туғилиш коэффицентини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади $\Rightarrow (4\text{-сатр} / 3\text{-сатр}) * 1000 * 365 / 91$.*

Асосий демографик кўрсаткичларни
шакллантириш бўйича услубий низомга
2-илова

**5 ёшгача (0-4 ёш) болалар ўлими коэффицентини
ҳисоблаш**

5 ёшгача ўлган болалар ёши	5 ёшгача ўлган болалар- нинг туғилган йили	Мос ёшларда 5 ёшгача ўлган болалар сони (С43-жадвал)	Мос даврларда жами туғилган (тирик туғилган) болалар сони (А12-жадвал)	5 ёшгача болалар ўлими коэффицентини (1000 тирик туғилганларга нисбатан)
1	2	3	4	5
0 ёш	t – жорий давр	$Y^t_{ж}$ - жорий даврда туғилиб, жорий даврда ўлган болалар сони	$T_{ж}$ – жорий даврда тирик туғилганлар сони	$K_1 = (Y^t_{ж} / T_{ж} + Y^{t-1}_{ж} / T_{ж-1}) * 1000$
	t-1	$Y^{t-1}_{ж}$	$T_{ж-1}$	
1 ёш	t-1	$Y^{t-1}_{ж-1}$	$T_{ж-1}$	$K_2 = (Y^{t-1}_{ж-1} / T_{ж-1} + Y^{t-2}_{ж-1} / T_{ж-2}) * 1000$
	t-2	$Y^{t-2}_{ж-1}$	$T_{ж-2}$	
2 ёш	t-2	$Y^{t-2}_{ж-2}$	$T_{ж-2}$	$K_3 = (Y^{t-2}_{ж-2} / T_{ж-2} + Y^{t-3}_{ж-2} / T_{ж-3}) * 1000$
	t-3	$Y^{t-3}_{ж-2}$	$T_{ж-3}$	
3 ёш	t-3	$Y^{t-3}_{ж-3}$	$T_{ж-3}$	$K_4 = (Y^{t-3}_{ж-3} / T_{ж-3} + Y^{t-4}_{ж-3} / T_{ж-4}) * 1000$
	t-4	$Y^{t-4}_{ж-3}$	$T_{ж-4}$	
4 ёш	t-4	$Y^{t-4}_{ж-4}$	$T_{ж-4}$	$K_5 = (Y^{t-4}_{ж-4} / T_{ж-4} + Y^{t-5}_{ж-4} / T_{ж-5}) * 1000$
	t-5	$Y^{t-5}_{ж-4}$	$T_{ж-5}$	
Жами	х	у	х	$K^5 = K_1 + K_2 + K_3 + K_4 + K_5$

Асосий демографик кўрсаткичларни
шакллантириш бўйича услубий низомга
3-илова

Туғилишнинг ёш ва йиғинди коэффицентларини ҳисоблаш

Ёш гуруҳлари	Мос ёш гуруҳларидаги аёллардан туғилган болалар сони (Р241-жадвал)	Мос ёш гуруҳларидаги аёлларнинг йиллик ўртача сони (4-РН-жадвал)	Туғилишнинг ёш коэффицентлари (1000 тирик туғилганларга нисбатан)
1	2	3	4
Жами	Т	А_{15-49 ёш}	$K_{15-49 ёш} = (Т / А_{15-49 ёш}) * 1000$
шу жумладан:			
15-19 ёш	Т _{15-19 ёш}	А _{15-19 ёш}	$K_{15-19 ёш} = (Т_{15-19 ёш} / А_{15-19 ёш}) * 1000$
20-24 ёш	Т _{20-24 ёш}	А _{20-24 ёш}	$K_{20-24 ёш} = (Т_{20-24 ёш} / А_{20-24 ёш}) * 1000$
25-29 ёш	Т _{25-29 ёш}	А _{25-29 ёш}	$K_{25-29 ёш} = (Т_{25-29 ёш} / А_{25-29 ёш}) * 1000$
30-34 ёш	Т _{30-34 ёш}	А _{30-34 ёш}	$K_{30-34 ёш} = (Т_{30-34 ёш} / А_{30-34 ёш}) * 1000$
35-39 ёш	Т _{35-39 ёш}	А _{35-39 ёш}	$K_{35-39 ёш} = (Т_{35-39 ёш} / А_{35-39 ёш}) * 1000$
40-44 ёш	Т _{40-44 ёш}	А _{40-44 ёш}	$K_{40-44 ёш} = (Т_{40-44 ёш} / А_{40-44 ёш}) * 1000$
45-49 ёш	Т _{45-49 ёш}	А _{45-49 ёш}	$K_{45-49 ёш} = (Т_{45-49 ёш} / А_{45-49 ёш}) * 1000$
50-54 ёш	Т _{50-54 ёш}	А _{50-54 ёш}	$K_{50-54 ёш} = (Т_{50-54 ёш} / А_{50-54 ёш}) * 1000$
55-59 ёш	Т _{55-59 ёш}	А _{55-59 ёш}	$K_{55-59 ёш} = (Т_{55-59 ёш} / А_{55-59 ёш}) * 1000$
Туғилишнинг йиғинди коэффиценти	х	х	$K_{йк} = (K_{15-19 ёш} + K_{20-24 ёш} + K_{25-29 ёш} + K_{30-34 ёш} + K_{35-39 ёш} + K_{40-44 ёш} + K_{45-49 ёш} + K_{50-54 ёш} + K_{55-59 ёш}) * 5 / 1000$

Асосий демографик кўрсаткичларни
шакллантириш бўйича услубий низомга
4-илова

Ўлимнинг ёш коэффициентларини ҳисоблаш

Ёш гуруҳлари	Мос ёш гуруҳларида ўлганлар сони (С42-жадвал)	Мос ёш гуруҳларида аҳолининг йиллик ўртача сони (4-РН- жадвал)	Ўлимнинг ёш коэффициентлари (1000 аҳолига нисбатан)
1	2	3	4
Жами	У	А	$K^y = (U / A) * 1000$
шу жумладан:			
0-4 ёш	$U_{0-4 \text{ ёш}}$	$A_{0-4 \text{ ёш}}$	$K^y_{0-4 \text{ ёш}} = (U_{0-4 \text{ ёш}} / A_{0-4 \text{ ёш}}) * 1000$
5-9 ёш	$U_{5-9 \text{ ёш}}$	$A_{5-9 \text{ ёш}}$	$K^y_{5-9 \text{ ёш}} = (U_{5-9 \text{ ёш}} / A_{5-9 \text{ ёш}}) * 1000$
10-14 ёш	$U_{10-14 \text{ ёш}}$	$A_{10-14 \text{ ёш}}$	$K^y_{10-14 \text{ ёш}} = (U_{10-14 \text{ ёш}} / A_{10-14 \text{ ёш}}) * 1000$
15-19 ёш	$U_{15-19 \text{ ёш}}$	$A_{15-19 \text{ ёш}}$	$K^y_{15-19 \text{ ёш}} = (U_{15-19 \text{ ёш}} / A_{15-19 \text{ ёш}}) * 1000$
20-24 ёш	$U_{20-24 \text{ ёш}}$	$A_{20-24 \text{ ёш}}$	$K^y_{20-24 \text{ ёш}} = (U_{20-24 \text{ ёш}} / A_{20-24 \text{ ёш}}) * 1000$
25-29 ёш	$U_{25-29 \text{ ёш}}$	$A_{25-29 \text{ ёш}}$	$K^y_{25-29 \text{ ёш}} = (U_{25-29 \text{ ёш}} / A_{25-29 \text{ ёш}}) * 1000$
30-34 ёш	$U_{30-34 \text{ ёш}}$	$A_{30-34 \text{ ёш}}$	$K^y_{30-34 \text{ ёш}} = (U_{30-34 \text{ ёш}} / A_{30-34 \text{ ёш}}) * 1000$
35-39 ёш	$U_{35-39 \text{ ёш}}$	$A_{35-39 \text{ ёш}}$	$K^y_{35-39 \text{ ёш}} = (U_{35-39 \text{ ёш}} / A_{35-39 \text{ ёш}}) * 1000$
40-44 ёш	$U_{40-44 \text{ ёш}}$	$A_{40-44 \text{ ёш}}$	$K^y_{40-44 \text{ ёш}} = (U_{40-44 \text{ ёш}} / A_{40-44 \text{ ёш}}) * 1000$
45-49 ёш	$U_{45-49 \text{ ёш}}$	$A_{45-49 \text{ ёш}}$	$K^y_{45-49 \text{ ёш}} = (U_{45-49 \text{ ёш}} / A_{45-49 \text{ ёш}}) * 1000$
50-54 ёш	$U_{50-54 \text{ ёш}}$	$A_{50-54 \text{ ёш}}$	$K^y_{50-54 \text{ ёш}} = (U_{50-54 \text{ ёш}} / A_{50-54 \text{ ёш}}) * 1000$
55-59 ёш	$U_{55-59 \text{ ёш}}$	$A_{55-59 \text{ ёш}}$	$K^y_{55-59 \text{ ёш}} = (U_{55-59 \text{ ёш}} / A_{55-59 \text{ ёш}}) * 1000$
60-64 ёш	$U_{60-64 \text{ ёш}}$	$A_{60-64 \text{ ёш}}$	$K^y_{60-64 \text{ ёш}} = (U_{60-64 \text{ ёш}} / A_{60-64 \text{ ёш}}) * 1000$
65-69 ёш	$U_{65-69 \text{ ёш}}$	$A_{65-69 \text{ ёш}}$	$K^y_{65-69 \text{ ёш}} = (U_{65-69 \text{ ёш}} / A_{65-69 \text{ ёш}}) * 1000$
70-74 ёш	$U_{70-74 \text{ ёш}}$	$A_{70-74 \text{ ёш}}$	$K^y_{70-74 \text{ ёш}} = (U_{70-74 \text{ ёш}} / A_{70-74 \text{ ёш}}) * 1000$
75-79 ёш	$U_{75-79 \text{ ёш}}$	$A_{75-79 \text{ ёш}}$	$K^y_{75-79 \text{ ёш}} = (U_{75-79 \text{ ёш}} / A_{75-79 \text{ ёш}}) * 1000$
80-84 ёш	$U_{80-84 \text{ ёш}}$	$A_{80-84 \text{ ёш}}$	$K^y_{80-84 \text{ ёш}} = (U_{80-84 \text{ ёш}} / A_{80-84 \text{ ёш}}) * 1000$
85 ёш ва юқори	$U_{85 \text{ ёш ва юқори}}$	$A_{85 \text{ ёш ва юқори}}$	$K^y_{85 \text{ ёш ва юқори}} = (U_{85 \text{ ёш ва юқори}} / A_{85 \text{ ёш ва юқори}}) * 1000$

Асосий демографик кўрсаткичларни
шакллантириш бўйича услубий низомга
5-илова

**Ўлим сабаблари бўйича стандартлаштирилган ўлим
коэффициентини ҳисоблаш**

Ёш гурuhlари	Ўлим сабаби бўйича мос ёш гурuhlарида ўлганлар сони (C51-жадвал)	Ўртача доимий аҳоли сони	Ўлим коэффициенти	Европа стандарти	Стандартлаш -тирилган коэффициент
1	2	3	4	5	6
Жами	У	А	$K^y = (Y * 100000) / A$	1	$СК = 1 * K^y$
0 ёш	$Y_{0\text{ ёш}}$	$A_{0\text{ ёш}}$	$K^y_{0\text{ ёш}} = (Y_{0\text{ ёш}} * 100000) / A_{0\text{ ёш}}$	0,016	$СК = 0,016 * K^y_{0\text{ ёш}}$
1-4 ёш	$Y_{1-4\text{ ёш}}$	$A_{1-4\text{ ёш}}$	$K^y_{1-4\text{ ёш}} = (Y_{1-4\text{ ёш}} * 100000) / A_{1-4\text{ ёш}}$	0,064	$СК = 0,064 * K^y_{1-4\text{ ёш}}$
5-9 ёш	$Y_{5-9\text{ ёш}}$	$A_{5-9\text{ ёш}}$	$K^y_{5-9\text{ ёш}} = (Y_{5-9\text{ ёш}} * 100000) / A_{5-9\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{5-9\text{ ёш}}$
10-14 ёш	$Y_{10-14\text{ ёш}}$	$A_{10-14\text{ ёш}}$	$K^y_{10-14\text{ ёш}} = (Y_{10-14\text{ ёш}} * 100000) / A_{10-14\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{10-14\text{ ёш}}$
15-19 ёш	$Y_{15-19\text{ ёш}}$	$A_{15-19\text{ ёш}}$	$K^y_{15-19\text{ ёш}} = (Y_{15-19\text{ ёш}} * 100000) / A_{15-19\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{15-19\text{ ёш}}$
20-24 ёш	$Y_{20-24\text{ ёш}}$	$A_{20-24\text{ ёш}}$	$K^y_{20-24\text{ ёш}} = (Y_{20-24\text{ ёш}} * 100000) / A_{20-24\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{20-24\text{ ёш}}$
25-29 ёш	$Y_{25-29\text{ ёш}}$	$A_{25-29\text{ ёш}}$	$K^y_{25-29\text{ ёш}} = (Y_{25-29\text{ ёш}} * 100000) / A_{25-29\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{25-29\text{ ёш}}$
30-34 ёш	$Y_{30-34\text{ ёш}}$	$A_{30-34\text{ ёш}}$	$K^y_{30-34\text{ ёш}} = (Y_{30-34\text{ ёш}} * 100000) / A_{30-34\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{30-34\text{ ёш}}$
35-39 ёш	$Y_{35-39\text{ ёш}}$	$A_{35-39\text{ ёш}}$	$K^y_{35-39\text{ ёш}} = (Y_{35-39\text{ ёш}} * 100000) / A_{35-39\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{35-39\text{ ёш}}$
40-44 ёш	$Y_{40-44\text{ ёш}}$	$A_{40-44\text{ ёш}}$	$K^y_{40-44\text{ ёш}} = (Y_{40-44\text{ ёш}} * 100000) / A_{40-44\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{40-44\text{ ёш}}$
45-49 ёш	$Y_{45-49\text{ ёш}}$	$A_{45-49\text{ ёш}}$	$K^y_{45-49\text{ ёш}} = (Y_{45-49\text{ ёш}} * 100000) / A_{45-49\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{45-49\text{ ёш}}$
50-54 ёш	$Y_{50-54\text{ ёш}}$	$A_{50-54\text{ ёш}}$	$K^y_{50-54\text{ ёш}} = (Y_{50-54\text{ ёш}} * 100000) / A_{50-54\text{ ёш}}$	0,07	$СК = 0,07 * K^y_{50-54\text{ ёш}}$
55-59 ёш	$Y_{55-59\text{ ёш}}$	$A_{55-59\text{ ёш}}$	$K^y_{55-59\text{ ёш}} = (Y_{55-59\text{ ёш}} * 100000) / A_{55-59\text{ ёш}}$	0,06	$СК = 0,06 * K^y_{55-59\text{ ёш}}$
60-64 ёш	$Y_{60-64\text{ ёш}}$	$A_{60-64\text{ ёш}}$	$K^y_{60-64\text{ ёш}} = (Y_{60-64\text{ ёш}} * 100000) / A_{60-64\text{ ёш}}$	0,05	$СК = 0,05 * K^y_{60-64\text{ ёш}}$
65-69 ёш	$Y_{65-69\text{ ёш}}$	$A_{65-69\text{ ёш}}$	$K^y_{65-69\text{ ёш}} = (Y_{65-69\text{ ёш}} * 100000) / A_{65-69\text{ ёш}}$	0,04	$СК = 0,04 * K^y_{65-69\text{ ёш}}$
70-74 ёш	$Y_{70-74\text{ ёш}}$	$A_{70-74\text{ ёш}}$	$K^y_{70-74\text{ ёш}} = (Y_{70-74\text{ ёш}} * 100000) / A_{70-74\text{ ёш}}$	0,03	$СК = 0,03 * K^y_{70-74\text{ ёш}}$
75-79 ёш	$Y_{75-79\text{ ёш}}$	$A_{75-79\text{ ёш}}$	$K^y_{75-79\text{ ёш}} = (Y_{75-79\text{ ёш}} * 100000) / A_{75-79\text{ ёш}}$	0,02	$СК = 0,02 * K^y_{75-79\text{ ёш}}$
80-84 ёш	$Y_{80-84\text{ ёш}}$	$A_{80-84\text{ ёш}}$	$K^y_{80-84\text{ ёш}} = (Y_{80-84\text{ ёш}} * 100000) / A_{80-84\text{ ёш}}$	0,01	$СК = 0,01 * K^y_{80-84\text{ ёш}}$
85 ёш ва юқори	$Y_{85\text{ ёш ва юқори}}$	$A_{85\text{ ёш ва юқори}}$	$K^y_{85\text{ ёш ва юқори}} = (Y_{85\text{ ёш ва юқори}} * 100000) / A_{85\text{ ёш ва юқори}}$	0,01	$СК = 0,01 * K^y_{85\text{ ёш ва юқори}}$

Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича услубий низомга
6-илова

ЎЛИМ ЖАДВАЛИ

	Ёши	Йиллар оралиғи	Доимий аҳоли- нинг ўртача сони	Ўлган- лар сони	Ўлим даражаси	Чизиқли корректи- ровка	Ўлим эҳтимоли	Яшаш эҳтимоли	Индивиду- ал қолдиқ	Оралиқдаги ўлимлар	Яшашнинг йиллар оралиғи	Умумий яшаган йиллар	Ёшлари бўйича туғилишда кутилаётган умр давомийлиғи
	x	n	nNx	nDx	nMx	ax	nqx	np _x	L _x	nd _x	nL _x	T _x	ex
A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L	M	N
1	0	1			=E1/D1	0,3	$C1 \cdot F1 / (1 + (1 - 1) \cdot C1 \cdot F1)$	=1-H1	1 000	=J1*H1	=C1*(J2+(G1*K1))	=M2+L1	=M1/J1
2	1-4	4			=E2/D2	0,4	$C2 \cdot F2 / (1 + (1 - 2) \cdot C2 \cdot F2)$	=1-H2	=J1-K1	=J2*H2	=C2*(J3+(G2*K2))	=M3+L2	=M2/J2
3	5-9	5			=E3/D3	0,5			=J2-K2				
4	10-14	5			=E4/D4	0,5							
5	15-19	5			=E5/D5	0,5							
6	20-24	5			=E6/D6	0,5							
7	25-29	5			=E7/D7	0,5							
8	30-34	5			=E8/D8	0,5							
9	35-39	5			=E9/D9	0,5							
10	40-44	5			=E10/D10	0,5							
11	45-49	5			=E11/D11	0,5							
12	50-54	5			=E12/D12	0,5							
13	55-59	5			=E13/D13	0,5							
14	60-64	5			=E14/D14	0,5							
15	65-69	5			=E15/D15	0,5							
16	70-74	5			=E16/D16	0,5							
17	75-79	5			=E17/D17	0,5							
18	80-84	5			=E18/D18	0,5	$C18 \cdot F18 / (1 + (1 - G18) \cdot C18 \cdot F18)$	=1-H18	=J17-K17	=J18*H18	=C18*(J19+(G18*K18))	=M19+L18	=M18/J18
19	85 ёш ва катталар	5			=E19/D19			=1-H19	=J18-K18	=J19*H19	=J19/F19	=L19	=M19/J19